

О.Генри сатираси матнининг когнитив таҳлили

(аслият ва таржима мисолида)

Бахриддинова Д. О. ЖДПИ

Инсоният пайдо бўлибдики, уни ҳайвонот олаmidан кескин равишда ажратиб турувчи дастлабки муҳим белгилардан бири бу тил. Тил орқали инсон мулоқотга киришади, ўзаро алоқада бўлади ва жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Тил ва жамият бир-бири билан узвий алоқададир. «Тил фақат жамиятда одамлар орасида мавжуд бўладиган ижтимоий қуролдир. Тилнинг тақдири, унинг яшаши ривожланиши фақат шу тилда гаплашувчи жамиятга боғлиқ. Тил жамият билан пайдо бўлганидек, жамият билан бирга ўлади»¹.

Тил ва жамият муаммосига бўлган турлича қарашлар Э.Сепир, Б.Уорф, Г.О.Винокур, Б.А.Ларин, Н.Я.Марр, Э.Д.Поливанов, Л.В.Шчерба, Л.П.Якубинский тадқиқотларида ҳам учрайди. Жамият ривожланишда экан, тил ҳам ривожланишдан ортда қолмайди. Фикримизнинг далили сифатида умумий тилшунослик фани асосчиси В.фон Гумбольдт илгари сурган тил табиатининг антиномия (қарама-қаршилик) ларидан бирини келтириб ўтади: «Иккинчи антиномия: тил ҳар доим ривожланиб турадиган динамик ҳодисадир. Бир томондан, тил фаолият бўлса иккинчи томондан, фаолият маҳсули... Аслида тил «ergon» (фаолият маҳсули) эмас, балки «energeia» (фаолият) нинг ўзгинасидир»².

Ана шундай жамият ривожланиши туфайли юзага келган фанлардан бири-когниталогия. Когниталогия 1956-йилда юзага келиб,³ тилшунослик, психология, социология, маданиятшунослик каби соҳалар бирикуви натижаси ҳисобланади. Когниталогия-инсоннинг билиш жараёни ҳақидаги фандир. Когнитив тилшунослик-когниталогиянинг таянч нуқтаси. Когнитив

¹ Б.Уринбоев, С.Каримов. Тилшуносликка кириш. -Самарканд 2006, 10-бет.

² Гумбольдт, В.фон. О различии организмов человеческого языка и его влияние на умственное развитие человеческого рода.// В.А.Звегинцева "История языкознания в очерках и извлечениях". - ч I 1964 г стр 91

³ Қаранг: Ш.Сафаров.Когнитив тилшунослик. -Жиззах-2006,20-бет

сўзи инглизча «cognitive-билишга оид» деган маънони англатиб, дунёни, воқеа-ҳодисани тафаккур орқали идрок қилиб ва уларни инсон ментал қобиляти орқали билиш демакдир. Биз атрофимиздаги бирор ҳолатни нутқимизда намоён қилишимиз учун, даставвал ушбу ҳолатни онгимизда гавдалантирамыз, сўнгра ўзимизда мавжуд бўлган билимлар ёрдамида ахборотни қабул қилиб, тўплаб, қайта ишлаб, тартибга солиб, тингловчига етказамиз. Айнан шу босқичлар, яъни тафаккурнинг ҳолат ёки воқелик тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш, тўплаш қайта ишлаш ва тартибга солиш босқичлари когнитив тилшуносликнинг когнитив босқичлари ҳисобланади.⁴

Тафаккур инсониятга Оллоҳ томонидан берилган энг олий неъмат, десак асло муболаға бўлмайди. Фикримиз далили сифатида Навоий ҳазратларининг қуйидаги байтини келтириб ўтамыз:

Ҳар ишники қилмиш одамызод

Тафаккур бирла қилмиш одамызод

Когниталогия фани эса инсон тафаккури билан чамбарчас боғлиқ. Воқеликдаги бирор предмет ҳақида дастлаб онгимизда ўз ҳис-туйғуларимиз кўмагида тушунча пайдо бўлади. Сўнгра хотирамыздаги маълумотлар омборига кўра ушбу тушунча концептлашади, яъни тафаккуримизда воқеликдаги предмет образини гавдалантирамыз. Охириги босқич концепт воқеликдаги предметнинг лисоний моддийлашуви билан якунланади. Ҳар қандай тушунча ва концептлар жамият ривожланиши мобайнида юзага келган қолиплар асосида шаклланади. «Воқеликдаги ҳодиса ва ҳолатлар такрорланиши, бир-бирига мос ҳолда кечиши уларнинг стандарт-намунавий бир-хил мақомдаги кўринишга эга бўлишни тақозо қилади, ҳамда билиш ҳам айнан шунга монанд стереотип (бир хил қолипда) шакл олади. Бу турдаги

⁴Қаранг: Ш.Сафаров.Когнитив тилшунослик. -Жззах -2006 й -13-бет

билим ёритилаётган ҳолатни, ҳамда у ҳақидаги ахборотни тўлиқ тиклаш ва тасвирлаш имконини беради»⁵.

Ана шундай когнитив қолипларга фрейм,скрипт, сценарий, гештальт каби концептуал тизим бирликлари киритилади. Ушбу когнитив қолипларидан фрейм концептуал тузилмаси ҳақида тўхталмоқчимиз. Фрейм сўзи инглизча «Frame-ром, рамка, асос» деган маъноларни англатади. Бу сўзни тилшуносликка дастлаб инглиз олими Чарльз Филлмор киритган эди. Ч.Филлмор таълимотига асосан ҳар қандай янги ахборот хотирамизда сақланиб қолган олдинги маълумот андозасига кўра идрок этилиши тадбик этилади. Фрейм концептуал тузилмасини америкалик ёзувчи О.Генрининг «Биржа даллолининг севгиси» (The Romance of a Busy Broker) сатирик ҳикояси мисолида кўриб чиқамиз. «Love Expressing» (Муҳаббат изҳори) фрейми. Ушбу фреймда акс этадиган воқеа инглизча «express» (изҳор қилмоқ) феъли орқали тасвирланади. Ўқувчи олдинги маълумотларга асосланиб «Муҳаббат изҳори» дейилганда бир ошиқ (А) кўлида гул (В) билан ўзи ёқтирган ёрига (С) қулай фурсат (Д) топиб дил изҳори этилиши тушунилади. Буни биз қўйидаги шаклда акс эттиришимиз мумкин:

Express - изҳор қилмоқ

B flower	
гул	
A reckless ошиқ	D convenient time
	қулай фурсат
C beloved - ёр	

«Биржа даллолининг севгиси» да муҳаббат изҳорининг ўзгача ифодасини ҳам кўришимиз мумкин. Иш билан ўта банд паришонхотир биржа даллоли - Гарви Максуел кўнгил қўйган ёри котибаси жозибали Лесли хонимга ўз муҳаббатини ҳамкасблари ҳамкорлигида қўллари даста қоғозлар

⁵ Ш.Сафаров.Когнитив тилшунослик. -Жиззах-2006 й-34-бет

билан банд ҳолатда изҳор этади. Ажабланарлиси шундаки: ишга берилиб кетганидан бир кун олдин Лесли хоним билан турмуш қурганлиги ёдидан кўтарилади. «Муҳаббат» тушунчасини ҳар ким ҳар хил идрок этади. Аммо турли хил муҳаббат изҳорлари негизида «Муҳаббат» концептининг андозали ментал тузилма асосида ботинийликдан зохирийликка ўтиши кузатилади. Фрейм концептуал тузилмаси бизга воқеликдаги янги ахборотларни онгимизда тез ва осон тасаввур этишимизга, идрок қилишимизга кўмаклашади.

Когнитив таҳлилнинг яна бир кўриниши лисоний бирликнинг реал воқеликка мослигини аниқлашдир. Ушбу таҳлил когнитив ёки тўғридан - тўғри муқобиллик тамойилига асосланади. Бу тамойилга биноан тил бирлигининг мазмуни воқеликни тўғри, ҳаққоний акс эттиради, ҳамда мазмун шаклланишида ҳаққонийлик ва қониқиш шартларига (truth conditions and conditions of satisfaction) мос келиши керак⁶.

Юқоридаги таҳлил юзасидан О.Генрининг «Биржа даллолининг севгиси» (The romance of a Busy Broker) ҳикоясидаги «пат» концептига тўхталайлик:

... On her small black hat was the gold-green wing of a bird.⁷

... Её строгую чёрную шляпку-тюбан украшало зелёное перо попугая.⁸

... Қора шляпаси яшил тўтикуш пати билан безатилганди.⁹

Ушбу гап мазмун жихатдан ҳаққонийлик-шартини бажараяпти ва воқеликка ҳам мос келади. Баъзи қуш патларидан безак сифатида фойдаланишимиз бу гапнинг ҳаққонийлик шартини бажарса, баъзи қушларнинг пати олтиндек товланиб жилоланиб туриши лисоний бирликнинг воқеликка мос келиши шартини бажармоқда. Ушбу гап

⁶ Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. -Жиззах-2006 й-77-бет

⁷ О. Henry «The Gift of the Magi» // American stories Macmillian Literature Collection-2009/

⁸ О.Генри. Избранные произведения. -Москва-1991-стр 51

⁹ О.Генри «Биржа даллолининг севгиси». Саиджалол Саидмуродов таржимаси// Жяхон адабиёти-Тошкент 2011 № 10 16-бет

таржимаси хусусида бир неча фикр-мулоҳазалар билдирмоқчиман. Аслият тилида пат қайси қушга тегишли эканлиги ёзилмаган. Аммо русча ва ўзбекча таржимада айнан «тўтиқуш» пати дея таржима қилинган. Зоология фани манбаларига кўра ёввойи ўрдак, алп суғури¹⁰, ансериформес яъни «ғозсимонлар» туркумига кирувчи ўрдаклар, товуслар, тўтиқушларнинг патлари жилоланиш хусусиятига эга экан. Айнан олтиндек товланувчи патлар сирасига асосан нар ўрдаклар, тўтиқушлар ва товусларнинг патлари киритилар экан¹¹ ва улардан кўпинча ишлаб чиқаришда безак сифатида фойдаланилади. Ушбу гап аслият тилидан ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади: (таржима бизники)

- Унинг кичик қора шляпаси олтиндек товланувчи яшил қуш пати билан безатилганди.

Лисоний бирликнинг мазмуни шаклланишида қониқиш шартларига мос келишини «Биржа даллолининг севгиси» ҳикоясидан олинган қуйидаги гап орқали таҳлил қиламиз:

- The machine sitting at that table was no longer a man. It was a busy New York broker . . .

- Но человек, сидевший за столом, уже перестал быть человеком. Это был занятый по горло нью-йоркский маклер машина, приводимая в движение колесиками и пружинами . . .

- Стол олдида ўтирган Максуел умуман одамга ўхшамасди. У ғилдирак ва пружиналар ёрдамида ҳаракатланувчи, бўғзигача банд нью-йорклик даллол-машина эди.

Бу гапнинг мазмуни ўқувчини ва ҳақиқат талабини қониқтирмайди. Чунки инсоннинг машинага айланиб қолиши реалликка мос келмайди. Бу ерда муаллиф ўз қахрамонининг ҳолатини тасвирий воситалардан - ўхшатиш орқали баён этган. Ўқувчи бирор асарнинг реал воқеликка мослиги,

¹⁰ Иван Герань «Удивительные животные». -Москва -1985 г, стр-27

¹¹ S. Dadaboyev, O.Mavlonov, «Zoologiya». -Toshkent -2008-148-149 б

ҳаққонийлик, қониқиш шартларини бажариш ёки бажармаслигини таҳлил қилиш билан асарнинг туб моҳиятини англаши мумкин.

Когнитив тилшуносликнинг когниталогияда тутган ўрни - унинг тил тизимининг билиш жараёнидаги иштироки ва улушини аниқлаб беришдан иборатдир. Когнитив таҳлил эгалланаётган билимнинг лисоний воқеланишдаги иштироки, ахборотни шакиллантириб, «қайта ишлаш» даги ролини аниқлашдан иборатдир.¹² Когнитив таҳлил объекти тил тизими. Когнитив таҳлил жараёнида когнитив тилшуносликнинг соҳаларидан бири бўлган когнитив фонологиянинг ўрни бекиёс. Когнитив фонологияда воқеликда юз бераётган ахборотларни англашда фонетик томондан ёндашилади. Масалан, У.Чейфнинг кузатишича, нутқий тузилманинг қандай оҳангда талаффуз этилиши кечаётган воқеа ҳақидаги ахборот инсон онгининг сатҳидан олинishi билан боғлиқ экан.¹³

- «Miss Leslie», he began quickly, «I have only a moment». Will you be my wife?

(Мисс Лесли, -ҳовлиқиб гап бошлади у - роппа роса бир дақиқа вақтим бор. Айнан шу дақиқада сизга бир нарсани айтишим керак. Менга турмушга чиқинг).

- Биржа даллоли Гарви томонидан айтилган ушбу гапда гарчи биз унинг оҳангини эшитмаган бўлсакда, аммо жуда тиғиз пайтда Лесли хонимга қизлар учун нозик бўлган таклиф билан мурожаат қилаётганлигин уқишимиз мумкин. Гарви нутқида «only a moment» сўз бирикмаси урғу олиши орқали, ўзининг нечоғлиқ банд эканлигини уқтириб ўтиш кўзда тутилган. Сўз когнитив таҳлили дейилганда бирор сўзнинг нафақат ўз маъноси, балки унинг таг маънолари, ботиний ва зохирий томонлари ҳам ўрганиб чиқилади. A moment - дақиқа, он, зум. Дастлаб, «дақиқа» дейилганда бир соат бутунлигига олиб келувчи лаҳзалар жамланмасини англашимиз мумкин.

¹² Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. - Жиззах -2006, 75-бет

¹³ Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. - Жиззах -2006, 76-бет

Кенгроқ мулоҳаза қилсак «Дақиқа» - ҳаётимиз, умримизнинг энг кичик ўлчови. Ачинарлиси такрорланмас жараёнидир.

О.Генри «Биржа даллолининг севгиси» сатирик ҳикояси орқали кутубхонларни ўлчовлик умр лаҳзаларини фақатгина иш билан эмас, балки яқинларимиз дийдори, ҳаёт гўзалликлари билан тўлдириш лозимлигини таъкидлайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, когниталогия - билиш назариясининг асоси. Инсоннинг билиш, тафаккур этиш, ўз фикрини баён этиш қобилиятини аниқлашда ушбу фаннинг ўрни каттадир. Билим мовий самодек бепоён бўлса ҳам, билишга бўлган интилиш асло сусаймайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Б.Ўринбоев, С.Каримов. Тилшуносликка кириш. -Самарқанд-2006
- 2.Гумбольдт В фон. О различии организмов человеческого языка и его влияние на умственное развитие человеческого рода.// В. А. Звегинцева “История языкознания в очерках и извлечениях”,- ч I 1964 г
- 3.Иван Герань «Удивительные животные». - Москва 1985-г
- 4.М. Йулдошев, З. Исоков, Ш. Хайдаров. Бадий матннинг лисоний таҳлили. - Тошкент 2010 й
- 5.О.Генри «Избранные произведения».- Москва-1991
- 6.О.Генри «Биржа даллолининг севгиси» Жахон адабиёти-2011 й, № 10.
7. О’Henry “The Gift of the Magi // American stories” Macmillian Leturature Collection – 2009.
- 8.С. Дадаев, О.Мавлонов «Зоология» -Тошкент 2008 й
- 9.Ш.Сафаров. Когнитив тилшунослик. -Жиззах 2006